

МАХСУС ТАКЛИФ: «“CAFELOVA” КАФЕСИДА «ПАВЛОВА» ШИРИНЛИГИ УЧУН СЕРТИФИКАТ»

2023 йил «16» апрель

1. «Павлова» ширинлиги учун сертификат» Махсус таклифи “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ – «А-Рау» Электрон пул Тизими Оператори томонидан Акция Ҳамкори – “Cafelova” кафеси (МСНЖ “KELAJAK OBOD 2018”) кўмагида ташкил этилди.
2. Махсус таклиф ўтказиладиган ҳудуд: Бухоро шаҳри.
3. Амал қилиш муддати: 2023 йил «17» апрелдан 2023 йил «19» апрелгача. Сертификатлар сони чекланган.
4. Махсус таклифдан фақат «А-Рау» Электрон пул Тизимида идентификациядан ўтган мижозлар фойдаланиши мумкин.
5. Мижозларни Махсус таклиф ҳақида хабардор қилиш, тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> веб-сайтида ва (ёки) «А-Рау» мобил иловасида жойлаштириш орқали амалга оширилади.
6. Махсус таклиф шартлари: идентификациядан ўтган мижоз А-Рау Пештахтасида 10 000 APS эвазига «Павлова» ширинлиги учун Сертификат олиш имконига эга. «Павлова» ширинлиги учун Сертификатни фаоллаштириш учун фойдаланувчи савдо нуқтасида «Манго-малина» мусс ширинлигини харид қилиши керак бўлади. «Павлова» ширинлиги учун Сертификат Бухоро шаҳрида жойлашган “Cafelova” кафесида фақат Махсус таклиф амал қилиши даврида фаоллаштирилиши мумкин.
 - Манзил: Ибн Сино кўчаси, 40. Мўлжал: «Botir taomlari» автобус бекати.

Бир нафар Мижоз Махсус таклифнинг амал қилиш муддати давомида «А-Рау» Пештахтасидан бир дона «Павлова» ширинлиги учун сертификатни олиши мумкин. Махсус таклифнинг амал қилиш муддати яқунланганидан сўнг фаоллаштирилмаган «Павлова» ширинлиги учун Сертификатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

7. Ташкилотчига Мижозни Махсус таклиф иштирокчилари рўйхатидан четлаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълум бўлган тақдирда («APS Бонус» Бонус дастури Шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари, «А-Рау» Электрон пул Тизимида акциялар ўтказиш қоидаларини бузиш, фирибгарлик, фирромчилик, ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш ва ҳ.к.), бундай шахслар Махсус таклифдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.



8. Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра, бир томонлама тартибда, исталган вақтда олдиндан огоҳлантирмасдан ва сабабларини тушунтирмасдан, Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек, ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсус таклифни муддатидан олдин бекор қилиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъво учун асос бўла олмайди.
9. Махсус таклиф муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Ташкилотчи тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pau.uz> манзилидаги расмий веб-сайти ва (ёки) мобил иловасида жойлаштириш орқали оммани хабардор қилиш мажбуриятини олади.
10. Ташкилотчи «Павлова» ширинлиги учун сертификат Махсус таклифини нотўғри талқин қилиш натижасида келиб чиққан ҳар қандай англашилмовчилик, тушунмовчилик, даъво ёки зарар учун жавобгар бўлмайди.
11. Агар Махсус таклифга доир бирон-бир савол, тушунмовчилик ёки низоли ҳолатлар юзага келса, Мижоз Ташкилотчи билан боғланиш орқали уларга аниқлик киритиш ва ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.
12. Ташкилотчининг мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажор ҳолатлар, шу жумладан сув тошқини, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар ёки бошқа табиий омиллар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилади.
13. «Павлова» ширинлиги учун сертификат» Махсус таклифида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш факти Мижознинг ўз шахсий маълумотларини қайта ишланиши ва Ташкилотчидан электрон почта (шахсий кабинет, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) орқали реклама ва бошқа хабарларни қабул қилишга розилигини билдиради. Ҳар бир Мижоз ўзи билан туширилган фотосурати, видео ролик, Ташкилотчи ва унинг ўртасида бўлган интервьюни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил иловасида, реклама материалларида, ижтимоий тармоқ саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва эълон қилишга розилигини беради. Ташкилотчи юқорида қайд этилган материаллардан чекланмаган муддат давомида фойдаланиши мумкин ва Мижоз бунинг учун ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайди.

